

ШИРИН МАККАЖЎХОРИ ЎСИМЛИГИДА ЭКИШ ЗИЧЛИГИ ВА ЎГИТ МЕЪЁРЛАРИНИНГ БИОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАСЪИРИ

Дилдора Улуғбековна Файзуллаева

Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти,
таянч докторант.

Шерзод Шермахматович Сарманов

Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти, к/х.ф.ф.д., к.и.х.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада такрорий экин сифатида Қашқадарё вилоятининг суғориладиган майдонлари, оч-тусли бўз тупроқ шароитларида ширин маккажўхорининг «Мазза» ва «Замон» навлари экилганда экиш зичлиги (110.000, 75.000 ва 55.000 ўсимлик/га) ва ўғит меъёрлари (соф холда 60 кг, 90 кг ва 120 кг N/га), қўлланилганда биометрик кўрсаткичларига таъсири ўрганилган. Тадқиқотлар давомида экиш зичлиги ва ўғит меъёрининг 75.000 ўсимлик/га ва 120 кг N/га қўлланилганда ширин маккажўхори ўсимлигининг биометрик кўрсаткичлари ортиши аниқланди.

Калит сўзлар: ширин маккажўхори, нав, экиш зичлиги, ўғит меъёри, асосий, вариант, сўта, сўта узунлиги, дон, донлар сони.

ABSTRACT

In this article, the influence of sowing density (110,000, 75,000 and 55,000 plants/ha) and the rate of fertilizers (60, 90, 120 kg/ha in pure form) on biometric indicators when sowing sweet corn varieties Zamon and Mazza as secondary crops in light conditions was studied. - sierozem irrigated areas of Kashkadarya region. Studies have found that the biometrics of the sweet corn plant increased at a planting density and fertilizer rate of 75,000 plants/ha and 120 kg N/ha.

Keywords: Key words: sweet corn, variety, sowing density, fertilizer rate, second, variant, cob, cob length, grain, number of grains.

КИРИШ

Ҳозирги кунда ширин маккажўхори истеъмоли бутун дунёда сезиларли даражада ортиб бормоқда. Ширин маккажўхори инсон истеъмоли учун янги ёки қайта ишланган маҳсулот сифатида ишлаб чиқарилади. Сўнгги йилларда ширин маккажўхори

кенг тарқалмоқда ва бу экин дунёнинг 70 та давлатида 400 минг гектарга яқин майдонда етиштирилади [2]. Ширин маккажўхорининг озуқавий таркиби инсон саломатлиги ва овқатланиши учун жуда муҳим саналади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Республикамизда яратилган маҳаллий шароитга мос ширин маккажўхори навларини ҳамда дурагайлари асосий ва такрорий экин сифатида етиштириш учун яроқли, тезпишар навларининг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иқлимлаштириш, турли тупроқ иқлим шароитида ва турли муддат ҳамда усулларда ўстириш технологиялари ишлаб чиқиш соҳанинг долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9- сентябрдаги №ПҚ-4821 сонли —Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорида ҳам мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш ва ижтимоий иқтисодий ривожланишнинг асосий омили сифатида озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлаш аҳолини арзон ва сифатли маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Маккажўхори озиқ-овқат ва ем-ҳашак экини бўлиб, донидан 250 дан ортиқ турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш мумкин [3]. Ширин маккажўхори учун азотли ўғитларни қўллаш аҳамияти юқори ҳисобланади. Азот миқдорининг 120 кг/га гача кўтарилиши ўсимликнинг қуруқ вазни, донлар сони, 1000 дона дон оғирлиги ва доннинг тикланишида сезиларли яхшиланишини кўрсатган, натижада ҳосил ва рентабеллик яхшиланган. Азот миқдори ортиши билан бошоқлардаги (сўтадаги) донлар сони ортганлиги кузатилган [1].

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА МУҲОКАМАЛАР


Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти тажриба даласида ширин маккажўхорининг «Мазза» ва «Замон» навларини такрорий экин сифатида экиш зичлиги (110.000, 75.000 ва 55.000 ўсимлик/га) экилганда ва ўғит меъёри (соф холда 60 кг, 90 кг ва 120 кг N/га) қўлланилганда ўсимликнинг биометрик кўрсаткичларига таъсири аниқланди.

Тадқиқот натижаларига кўра, такрорий экин сифатида экилган ширин маккажўхори ўсимлигининг сўта узунлиги (см), ўртача Замон нави экиш тизими 110.000 ўсимлик/га экилган ўғитсиз вариантларда ўртача 19,3 см, Мазза навида 18,3 см, N₆₀ P₉₀

К₆₀ минерал ўғитлар қўлланилган вариантларда Замон навида ўртача 22,1 см, Мазза навида 20,8 см, N₉₀ P₉₀ К₆₀ вариантда Замон навида ўртача 24,3 см, Мазза навида 22,9 см, N₁₂₀ P₉₀ К₆₀ вариантларда Замон навида 25,3 см, Мазза навида 24,1 см бўлганлиги қайд этилди.

Замон навининг экиш тизими 75.000 ўсимлик/га экилган ўғитсиз вариантларда ўртача 20,9 см, Мазза навида 19,7 см, N₆₀ P₉₀ К₆₀ вариантларда Замон навида ўртача 25,5 см, Мазза навида 24,3 см, N₉₀ P₉₀ К₆₀ вариантда Замон навида ўртача 26,3 см, Мазза навида 224,9 см, N₁₂₀ P₉₀ К₆₀ вариантларда Замон навида 27,9 см, Мазза навида 26,5 см бўлганлиги тадқиқотларимиз давомида аниқланди.

1-расм



Замон навининг экиш тизими 55.000 ўсимлик/га экилган ўғитсиз вариантларда ўртача 20,8 см, Мазза навида 20,1 см, N₆₀ P₉₀ К₆₀ вариантларда Замон навида ўртача 25,6 см, Мазза навида 24,7 см, N₉₀ P₉₀ К₆₀ вариантда Замон навида ўртача 26 см, Мазза навида 25,5 см, N₁₂₀ P₉₀ К₆₀ вариантларда Замон навида 26,7 см, Мазза навида 26,1 см бўлганлиги кузатилди.

Биометрик ўлчовлар олиб борилганда, ширин маккажўхори ўсимлигининг битта сўтадаги донлар сони Замон навининг экиш тизими 110.000 ўсимлик/га экилган ўғитсиз вариантларда ўртача 360,1 дона, Мазза навида 344 дона, N₆₀ P₉₀ К₆₀ вариантларда Замон навида ўртача 365,3 дона, Мазза навида 352,4 дона, N₉₀ P₉₀ К₆₀ вариантда Замон навида ўртача 388 дона, Мазза навида 370,2 дона, N₁₂₀ P₉₀ К₆₀ вариантларда Замон навида 426,1 дона бўлган бўлса, Мазза навида 404,9 дона бўлганлиги қайд этилди.

REFERENCES

1. Singh U. et al. Productivity, economics and nitrogen-use efficiency of sweet corn (*Zea mays saccharata*) as influenced by planting geometry and nitrogen fertilization //Indian Journal of Agronomy. – 2012. – Т. 57. – №. 1. – С. 43-48.
2. «Элементы технологии возделывания сахарной кукурузы в открытом грунте Среднего Предуралья» тема дис. и автореферат по ВАК ПФ 06,01,09, кандидат наук Элесеев, Алексей Сергеевич. 2013.
3. Алабушев В. А. Растениеводство / В. А. Алабушев. - Ростов н/Д: Издательский центр «Март», 2001. - 230 с.<https://uz.yellowbreadshorts.com>

